



ҲАМЗА ҲАКИМЗОДАНИНГ БИР МУЛАММАЪ ҒАЗАЛИ

Хўжамбердиев Шерзод
Мустақил изланувчи

Аннотация Мазкур мақолада асосан уч масала хусусида сўз борган. Бири девон адабиётида анъанавийлик, иккинчиси муламмаънинг хусусиятлари ва Ҳамза Ҳакимзоданинг ўзбек ва рус тилларини қориштириб ёзган ғазали хусусида. Мақолада анъанавийлик ижобий маънода ишлатилишига монъе қараш, муламмаънинг бир санъат сифатида мақоми, унинг матлаъ байтда ва байтлараро мисраларда ишлатилиши ва бу усулнинг сурати ва сийрати қай даражада бўлиши юзасидан мулоҳаза юритилган. Ҳамза Ҳакимзоданинг ўзбек ва рус тилларини аралаштириб ёзган ширу шакари таҳлилга тортилган ва унинг мазмун ҳамда шакли юзасидан сўз юритилган.

Калит сўзлар: Девон, девон адабиёти, мумтоз адабиёт, таждидчилик, ширу шакар, вазн, тимсол

Девон адабиётида Ҳамза Ҳакимзоданинг алоҳида ўрни бор. Шунини алоҳида ифтихор билан айтиш мумкинки, 20-25 ёш оралиғида девон тузиш Қўқон шоирлари хиссасига тўғри келади. Агар Фурқат 20 ёшида девон тузган бўлса, Ҳамза Ҳакимзода 1907-1914 йиллар оралиғида ёзган арузий шеърларини тўплаб, 25 ёшида “Девони Ниҳоний”ни тузган. Яна бир фикрни ўртага ташлаш жоизки, Ҳамза Ҳакимзода девонига кирган манзумлар унинг анъаначи шоир эмас, балки том маънодаги мумтоз шоир бўлганини кўрсатади. [6, 112] Кези келганида бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Мен кўп ўйлайман: мумтоз адабиётни кўпгина адабиётшунослар анъанавий шеърят, бири иккинчисидан улгу олиб, арузий шеърларни ёзиб ташлайверган, дейишади. Бу қараш гўё кўчирмачилик одатий тусга кириб қолган, айб саналмаган, деган хулосани келтириб чиқаради. Ва бу қарашни татаббуъчилик, назирагўйлик, тазминчилик, тахмисчилик билан хаспўшлашади. Гўё Навоий Лутфий ва Жомийдан, Низомий ва Амир

Хусравдан, Ҳофиз ва Саъдийдан, Қўқон адабий муҳитининг шоирлари Амирийдан, Амирий ўзидан олдин ижод қилиб ўтган шуаронинг шеърятидан, Хоразм адабий муҳитининг шоирлари Мунис ва Огаҳийдан мавзулар, тимсолларни олиб, шеър битганлар, деб ёзишади. Кейин “анъана” сўзини маҳоратга муқобил қилиб, ўзларини ўзларига қарши қўйган ҳолда, ўзлари анъаначи шоир деган қаламкашни бағоят маҳорат билан шеър бита олган ва оригинал шоир сифатида танилган, деб хулоса чиқарадилар. Бунда мантиқ қани? Агар анъанавийликни шундай тушунсак, бу йўл (усул)

"оригиналлик"ка зид келиб қолмасмикан? Ахир оригиналик дейилганида, тамомила таждидлик (янгилик, ихтиро) тушунилмайдими? Нима бўлганда ҳам, бу ўрис шарқшуносларидан қолган қараш эканлигини тушуниш лозимга ўхшайди. Бир замонлар Алишер Навоийдек улуғ сўз санъаткорини анъаначи шоир, кўчирмачи шоир, таржимон шоир, деб камситилган экан. У асарларининг ҳаммасини форс-тожик адабиётининг вакиллари бисотидан таржима қилиб олган, деб ёзишган. Шукурки, Е.Э.Бертельс сингари холис шарқшунослар бу қарашга қарши чиқиб, Алишер Навоий шеърини тамомила янги, оҳорли шеърят эканлигини исботлаб берган.

"Девони Ниҳоний" таркибига кирган шеърларга эътибор қилинса, яна такрорлаймиз, Ҳамза Ҳакимзода бизнинг кўз ўнгимизда мумтоз шоир сифатида бўй кўрсатади. Девонда муламмаъ санъати билан зийнатланган бир ғазали бор. Бу ғазал архитектоникасига У.Тўйчиев, Д.Зоҳидова сингари адабиётшунослар ҳам муносабат билдирганлар. [3, 193; 5,189]

Гап аввали муламмаъ ҳақида. Ушбу терминга луғатларда тубандагича таъриф берилади: арабча сўз бўлган муламмаъ (ملع) яркирок, ранг-баранг маъносини беради. Бу термин мумтоз адабиётда бир шеърни ёки байтни икки ёки ундан ортиқ тилда ёзишни англатади. Мумтоз шоирлар, асосан, араб ва форс, араб ва озарбайжон, араб ва ўзбек, ўзбек ва тожик, тожик ва рус, ўзбек ва рус тилларида муламмаълар битганлар. Ҳофизи Шерозий девонидаги дастлабки газалининг матласини арабча ва форс-тожикча қилиб тузгани маълум. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам "Ҳазойин ул-маоний" куллийетининг

"Ғаройиб ус сиғар" деб номланган биринчи девонининг биринчи ғазалини худди шу тарика арабча-ўзбекча тарзда бошлаган ("Ашракат мин акси шамсил каси анворил худо, Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо").

Мендин саломе ба суйи жонон, Эй бод, еткур арзи ғарибон.

Аз дардми ту намонда сабрам, Эмди кетарман тахти Сулаймон.

Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, муламмаънинг икки тилда битилгани ширу шакар, уч тилдан фойдаланилган тури эса шахду ширу шакар деб аталган. [2,189-190]

"Девони Ниҳоний" Ҳамза Ҳакимзоданинг бир воқеабанд-диолог ғазали борки, бу ғазал ўзбек ва рус тилларида аралаш битилган. Яъни ҳар бир байтдаги жумлалар ўзбек ва рус тилларидаги мазмун оркали бирлаштирилган. Шуни олдиндан таъкидлаш ўринлики, рус тилидаги сўзлар ва нутқ кўпроқ жонли сўзлашув усулини эслатади. Чунки шеърдаги аксарият русча калималар мулоқот нутқида қўлланиладиган сўзлардан иборат. Тушунишимизча, асарнинг лирик қаҳрамони рус миллатига мансуб маъшука ҳузурига бориб, унга мурожаат қилганида, маъшука айна мулоқот нутқининг элементларини истифода қилган ҳолда жавоб қилади. Буни муаллиф ўз даври лексиконида қай тарика истифода этилган бўлса, шундайича беради. Ғазалнинг матлаъ байти қуйидагича:

Яъни: Йўлда кетаётсам бир маъшуқа (укам. Фарғона тарафларда кизларга ҳам ука деб мурожаат қилиш одати бўлган. Ш.Х.)га дуч келдим ва унга "мен хонамни шифохона қилиб бемор бўлиб ётай, менинг хонам олдидан ўтгин".

Яъни: маъшуқа менга ғазаб билан кўз тикиб, бундай жавоб қилди: "Шайтон, йўкол, ахмоқ! Ҳозир вақтим йўқ. Нариди ўт, керак эмас, йўл беркик".

Вот, оқибат йўқ экан дилда бизга бит товарит.

Яъни: дедим: нима учун аввалига менинг кўнглимни олдинг, сенда

Яъни: деди: дод десанг ҳам, агар ўлгунча дарбадар бўлиб юрсанг ҳам, ҳеч қачон сенга қарамайман.

Яъни: дедимки, мен сизга бир неча марта хат йўлладим. Ниятингиз мени ишқ ўтида қовуришмидики, буларга бирорта ҳам жавоб қилмадингиз. Шунда бу ғайризабон маъшуқа бундай жавоб қилди: сен каби мен без работ эмас доим, дўконимда иш кўп, ўша ердан ўтсанг бир назар ташлаб ўт. Шундан кейинги беш байт ҳам ана шу тариқа ўзбек-рус тилларига доир сўзлар орқали шаклланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ғазалда зикри борган маъшуқа бир томондан шарқоналиги, иккинчи томондан ғарбоналиги билан эътиборни тортади. Ғазал воқеабандлиги сабабидан, шоир маъшуқани таъриф-тавсиф қилиб ўтирмайди. Маъшуқа эса, айрим ўринларда шарқона суюклилар феъл- атворидаги мавжуд хислатларга эгалиги билан эътиборни тортса, баъзи ўринда ғарбликларга хос бепарда характери билан диққатни жалб этади. Мана бунинг далили:

Ҳамза Ҳакимзоданинг новаторлиги шундаки, салафлари шарқона тилларни ўзбекча сўзлар билан уйғунлаштирсалар, Ҳамза бутунлай бошқа тил рус муомала тили билан ўзбек муомала тилини омукхалай олган.

Д.Зоҳидованинг аниқлашича, "ноширлар ғазал матнидаги айрим сўзларни русий талаффузга мос шаклда "время", "кто", "взяли" тарзида табдил этишган. Ҳамза эса ушбу сўзларнинг ўзбекча талаффузини назарда тутгани шеърнинг тактеъини тузиш жараёнида ойдинлашади.

Де-дим: по-че/му ви-за-ли/на-чал ма-ни/ кўнг-лум,
V - V - / V V - - / V - V - / - -

Де-ди: не-ког/ да те-бе бок/ ма-ғум-ки, до/д эт-санг,
V-V-/ VV--/ V-V-/ - -

А-гар-чи ўл/ ғу-ча ты сам/ ви-сег-да дар/ ба-да-р эт.

Мафоилун / файлотун / мафоилун / фаълун
Музореъи мусаммани ахраби солим [3,189]

Мазкур ғазал мутойиба (ҳазил) ғазал бўлиб, шоирнинг ахлоқига ҳеч бир алоқаси йўқ. Агар лирик қаҳрамонни шоирнинг ўзи эканлигидек тор тушунчага эга бўлинса, хато қилинади. Шеърятда “ахсаниху акзабиҳу”, яъни “энг ёлғон шеър энг яхши шеър”, деган қараш бор. Акс ҳолда, бир қатор мумтоз шоирлар бисотида ботил (куюшқонга сиғмайдиган) мисралар, байтлар бўлмас эди. Яна кабиҳу малех деган усул ҳам йўқ эмас. Қабеҳу малехда зоҳиран уят фикрлар, ботинан эса жўяли қарашлар мавжуд бўлади. Бадиий ижоднинг барчасини жиддий қабул килавермаслик лозим. Бугунги модерн шеърятда “Тўрлар қисир туғишдан қолган” (Фаҳриёр) сингари сатрлар пайдо бўлганини ҳам рамзлар орқали англаш лозим. Ҳамма гап шунда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. Девон. Т.: Фан, 1988. – Б.380.
2. Куронов Д., Мамажонов З. Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. - Т.: Академнашр, 2010. – Б.399.
3. Адабий турлар ва жанрлар. (У.Тўйчиев) 3 жилдлик. 2-жилд. Лирика. - Т.: Фан, 1992. – Б.248.
4. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва бош. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: Маънавият. 2004. -Б. 462.
5. Зоҳидова Д. Ниҳоний девонининг вазн хусусиятлари. - Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Фарғона, 2019. – Б.174-184.